Элим деб, юртим деб, ёниб яшаш керак

Туркистон

1925 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

1998 йил 7 январ Чоршанба.
№ 2 (14495)

БИЗ КЕЛАЖАГИМИЗНИ БИРГАЛИКДА ҚУРАМИЗ

ИЛГАРИ ХАБАР ҚИЛИНГАНИДЕК, ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ 5-6 ЯНВАРЬ КУНЛАРИ ТУРКМАНИСТОН ПОЙТАХТИ -- АШГАБАД ШАҲРИДА БЎЛДИ. БУ ЕРДА МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ БЕШ МУСТАҚИЛ ДАВЛАТ -- ЎЗБЕКИСТОН, ҚОЗОҒИСТОН, ҚИРҒИЗИСТОН, ТОЖИКИСТОН ВА ТУРКМАНИСТОН ПРЕЗИДЕНТЛАРИ УЧРАШДИ.

Меҳр-оқибат, дўст ва яқинлардан хабар олиш анъаналари шарқона одоб асосларидан бўлиб, ҳар бир инсон кўнглига зиё бахш этувчи, уни юксалтирувчи фазилатлардир. Айниқса, муқаддас Рамазон кунлари бундай амал янада теран маъно касб этади. Шу маънода, Марказий Осиё давлатлари бошлиқларининг 12 декабрда Ақмола шаҳридаги учрашувида Ўзбекистон раҳбари Ислом Каримов Ашгабадга ташриф буюриб, яқинда жарроҳлик операциясини бошидан кечирган Туркманистон Президенти Сапармурод Ниёзовдан кўнгил сўраш ташаббуси билан чиққан эди.

Президентлар - Ислом Каримов, Нурсултон Назарбоев, Асқар Акаев ва Имомали Раҳмонов Сапармурод Ниёзовни соғайиб кетгани билан табриклаб, унга масъулиятли фаолиятида муваффақиятлар,Туркманистон халқига мустақилликни, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, иқтисодий тараққиётга эришиш йўлидаги бунёдкорлик ишларида зафарлар тиладилар. Туркманистон Президенти дўстона ташриф ва самимий тилаклар учун миннатдорлик изҳор этди.

Туркманбоши кўшки - Президент саройида беш мустақил давлат раҳбарларининг учрашуви бўлиб ўтди. Унда мазкур минтақа мамлакатлари ўртасидаги муносабатларнинг ҳозирги аҳволи ва истиқболлари билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий соҳадаги ҳамкорликнинг муҳим йўналишлари бўйича амалий алоқаларни чуқурлаштириш, халқаро ва минтақавий сиёсатнинг томонларни қизиқтирувчи кенг кўламдаги масалалар муҳокама этилди.

Давлат бошлиқлари ўз мамлакатларида сиёсий ва иқтисодий мустақилликни мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган ишларни изчил ҳамда собитқадамлик билан давом эттиражакларини таъкидладилар. Бунда тенг ҳуқуқли ва ўзаро фойдали, ҳар бир давлатнинг миллий манфаатларига жавоб берадиган ҳамкорлик, улкан хомашё заҳираларига эга бўлган минтақамизнинг ўсиб бораётган иқтисодий салоҳияти ҳам муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, учрашув чоғида нефть ва газ узатиш, траснпорт ҳамда коммуникация тармоқларини ривожлантириш, бу орқали мамлакатларимизнинг жаҳон бозорига чиқишини янада яхшироқ таъминлаш масалаларига ҳам эътибор қаратилди.

Музокараларда Тожикистондаги вазиятни янада барқарорлаштириш борасидаги баҳамжиҳат саъй-ҳаракатлар яхши натижа бераётгани қайд этилди. Томонлар бу мамлакатда бошланган муроса ва тинчлик жараёнини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашларини билдирдилар. Шунингдек, Президентлар Афғонистон муаммосини Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафеълигида, қўшни ва манфаатдор мамлакатлар иштирокида фақат тинч йўл билан ҳал этиш лозимлигини яна бир бор тасдиқлаб, бу мақсадга биргаликда, қадам-бақадам эришиш мумкинлигини таъкидладилар.

Ислом Каримов ташрифининг иккинчи куни Ўзбекистон ва Туркманистон Президентларининг яккама-якка учрашуви билан бошланди. Унда икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни янада чуқурлаштириш, минтақавий хавфсизликни таъминлаш, хусусан, Афғонистон шимолидаги вазият билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди. Суҳбат чоғида бу масалаларда томонларнинг ёндашув ва қарашлари уйғунлиги намоён бўлди.

Сўнг Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон давлат бошлиқларининг учрашуви якунларига бағишланган Қўшма баёнотни имзолаш маросими бўлди.

Учрашув қатнашчилари матбуот конференциясида мухбирларни қизиқтирган барча саволларга батафсил жавоб қайтардилар. Хусусан, журналистлар томонидан Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон мамлакатлари ўртасида барпо этилган ягона иқтисодий ҳудуд бераётган ижобий самаралар, уни кенгайтириш истиқболлари тўғрисида кўплаб саволлар берилди.

Президентлар мазкур ҳудуд доирасида йирик консорциумлар тузилаётгани, бу чет эл инвестицияларини жалб этишда муҳим омил бўлаётгани, мазкур улкан маконда ягона иқтисодий бозор шакилланганини мамнуният билан қайд этдилар. Бундан ташқари, маданий соҳада амалга оширилаётган биргаликдаги тадбирлар ҳам тарихий илдизи, дини, тили бир халқларимизнинг азалий дўстлигини мутаҳкамлашга, маънавий эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилмоқда.

Президент И.Раҳмонов мухбирларга мазкур ягона иқтисодий ҳудудга Тожикистон ҳам қўшилиши ҳақида маълум қилди.

Матбуот анжуманида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, унинг келажаги билан боғлиқ масалалар ҳам кўтарилди. Президент Ислом Каримов бу борадаги Ўзбекистон нуқтаи назарини баён қилар экан, аввало, МДҲ халқаро ҳуқуқ субъекти бўлиши мумкин эмаслигини таъкидлади. Ўзбекистон МДҲ доирасида унга аъзо давлатлар устидан назорат қилувчи, уларга тазйиқ ўтказувчи тузилмалар ташкил этилишига ҳам қаршидир. Ҳозирги кунда МДҲ доирасида юзлаб ҳужжат қабул қилинди. Уларни тўлиқ кўз билан кўриб чиқиш, амалда ишламаётган ҳужжатларни бекор қилиш лозим, деб ҳисоблаймиз. Қолаверса, Ҳамдўстлик бошқаруви тузилмасини ҳам қисқартириш мақсадга мувофиқ бўлур эди. Энг муҳими, МДҲни ҳарбий-сиёсий блокка айлантиришга йўл қўйиб бўлмайди. Қандай ҳарбий иттифоққа кириш-кирмаслик, НАТО билан қандай муносабат ўрнатиш ҳар бир давлатнинг ўз иши бўлмоғи лозим. Ўзбекистон эса ҳеч қандай ҳарбий иттифоққа кирмайди. Бу бизнинг миллий манфаатларимизга зиддир, дея таъкидлади Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов.

Ашгабад учрашуви ўтмиши ва келажаги бир Марказий Осиё халқларини бир-бирига яқинлаштириш, мустақил давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада чуқурлаштириш, келажагимизни биргаликда қуриш йўлидаги саъй-ҳаракатларимизга муайян ойдинлик киритгани билан аҳамиятлидир. У, шунингдек, ўзаро ишонч, ҳамкорлик ва дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши шубҳасиздир.

* * *

6 январь куни Президент Ислом Каримов Тошкентга қайтиб келди. Давлатимиз раҳбарини Олий Мажлис Раиси Э.Халилов, Бош вазир Ў.Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И.Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Б.Ғуломов,В.Норов, Тошкент шаҳар ҳокими К.Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар кутиб олди.

Аҳмад ХЎЖА,
ЎзА махсус мухбири

Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Тожикистон Республикаси, Туркманистон ва Ўзбекистон Республикаси Давлат бошлиқларининг

ҚЎШМА БАЁНОТИ

/Ашгабад, 1998 йил 5 январ/

1998 йил 5 январда Ашгабадда Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ва Ўзбекистон Президентларининг учрашуви бўлди.

Президентлар Н.Назарбоев, А.Акаев, И.Раҳмонов ва И.Каримов Президент С.Ниёзовни соғайгани билан табрикладилар, унга сиҳат-саломатлик, Туркманистон халқи бахт-саодати йўлидаги ишида ютуқлар тиладилар.

Ҳамжиҳатлик, дўстлик ва яхши қўшничилик руҳида ўтган учрашув чоғида минтақадаги мамлакатлар ўртасидаги муносабатларнинг ҳозирги ҳолати ва бу муносабатларни ривожлантириш истиқболлари, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаётнинг энг муҳим йўналишлари бўйича ҳамкорликни кенгайтириш ва чуқурлаштириш тўғрисида, шунингдек, халқаро ва минтақавий сиёсатнинг томонларни қизиқтирувчи кенг доираси бўйича фикр алмашилди.

Беш давлат раҳбарлари тарихий илдизларнинг умумийлигини, тақдирларнинг ўзаро боғлиқлигини, дўстлик анъаналарини, миллий маданиятлар, урф-одатлар ва маънавият яқинлигини, улар ўртасидаги яхши қўшничиликнинг мустаҳкамлигини таъкидладилар. Беш давлат раҳбарлари XXI аср ва учинчи минг йиллик арафасида минтақадаги сиёсий бўҳронлар ва можаролардан қутилиш, барча халқларнинг ва ҳар бир халқнинг бахти йўлида ўзаро ишонч муҳитини, тенг ҳуқуқли амалий ҳамкорликни барпо этиш ҳозирги вақтда энг ўткир заруратдир, деган якдил фикрни билдирдилар.

БЎЛИБ ЎТГАН УЧРАШУВ ЯКУНЛАРИ БЎЙИЧА ТОМОНЛАР:

-давлатлар мустақиллигини мустаҳкамлаш, уларнинг халқлари фаровонлигини ошириш, миллий иқтисодиётларни ривожлантириш, жуғрофий-сиёсий мавқеидан ҳамда табиий ресурслар салоҳиятидан тўла ва самарали фойдаланиш зарурлигига асосланиб;

-мамлакатларнинг мустақил тараққиёти, уларнинг давлатчилигини мустаҳкамлаш, халқаро майдонда халқаро ҳуқуқнинг тўла ҳуқуқли субъекти сифатида танилиши мақсадлари ва вазифаларининг муштараклигини ҳисобга олиб;

- БМТ Низомида ёзиб қўйилган тамойилларга ўзларининг содиқлигини тасдиқлаб, ўз мамлакатлари ва халқлари ўртасидаги алоқаларни мустақиллик, суверенитет, ҳудудий яхлитликни ҳурмат қилиш, чегараларнинг дахлсизлиги, тенг ҳуқуқлилик, бир-бирининг ички ишларига аралашмаслик, куч ишлатиш ва куч билан таҳдид қилишдан, тазйиқ ўтказишнинг иқтисодий ва бошқа ҳар қандай усулларидан воз кечиш, халқаро ҳуқуқнинг мажбуриятлари ҳамда умумэътироф этилган меъёрларини ҳалол бажариш қоидалари асосида янада чуқурлаштиришга интилиб,

ҚУЙИДАГИЛАРНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИЛАР:

1. Томонлар халқаро алоқаларни икки томонлама ва кўп томонлама асосда кенг ривожлантириш, минтақавий ҳамкорлик, турли халқаро ташкилотлар ва анжуманларда бир-бирини қўллаб-қувватлаш асосида ўз сиёсий ва иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлини бир хил қатъият билан давом эттирадилар.

2. Томонлар узоқ муддатли ҳамкорликка асосланган ва беш давлатнинг миллий манфаатларига, минтақадаги хавфсизлик ва барқарорликка мос келадиган дўстона, тенг ҳуқуқли ва ўзаро фойдали муносабатларни чуқурлаштиришга ҳамиша содиқ эканини тасдиқладилар.

3. Томонлар Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигини ўтиш босқичида давлатларнинг икки томонлама ва кўп томонлама алоқаларга асосланган ҳамкорлигининг мақбул модели эканига қўшилдилар. Бунда ҳамдўстликда иштирок этиш шаклини ҳар бир давлат ўз ички тараққиёти ва халқаро мажбуриятлар устуворликларидан келиб чиқиб, мустақил белгилаши лозимлигини ҳисобга олиш зарур.

4. Томонлар Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилоти Ашгабад Декларациясидаги қувурлар тармоқлари инфратузулмаси, транспорт ва коммуникация тизимини шакллантиришга тааллуқли қисмни амалга ошириш зарурлигини тасдиқладилар.

Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон ўртасида минтақадаги интеграция жараёнларини ривожлантиришда ягона иқтисодий макон барпо этиш тўғрисидаги Шартноманинг муҳимлиги таъкидланди.

5. Томонлар ўз мамлакатлари бой табиий ресурсларини, биринчи навбатда табиий газ ва нефт конларини ишга солиш ва қазиб чиқаришни янада юксак даражага кўтариш муҳимлигини, энергия манбаларини жаҳон бозорига чиқариш учун қувурлар ётқизиш, электр узатиш линиялари қуришга доир қўшма лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар кўришни маъқуллаб фикр билдирдилар.

6. Томонлар Тожикистондаги вазиятни йўлга солиш жараёнидан мамнуният изҳор қилдилар, бу мамлакатдаги вазиятни изга солиш бутун минтақа учун муҳимлигини таъкидладилар. Тожикистонда демократик, ҳуқуқий ва дунёвий давлат тузиш асосида яраши ва тотувликка эришишга бутун чоралар билан ёрдам беришга тайёрлик изҳор этилди.

7. Томонлар Афғонистонда бир-бирига қарши курашаётган гуруҳлар ўртасида барча манфаатдор томонларнинг фаол ёрдамида музокаралар йўли билангина тинчлик ва тотувлик ўрнатиш мумкин, деган якдил фикрни билдирдилар. БМТ шафеълигида, Афғонистоннинг бевосита қўшнилари бўлган мамлакатлар, Россия ва АҚШ, Ислом Конференцияси Ташкилоти иштирокида Афғонистон можаросини бартараф этишга доир биргаликдаги ишни давом эттиришга тайёрлик тасдиқланди.

Томонлар Ашгабад учрашувининг фойдали бўлгани ва долзарблигини, бу учрашув ҳамжиҳатлик ва ишончни мустаҳкамлашга, беш қардош давлат ўзаро муносабатларининг асосий масалалари бўйича уларнинг тутган йўлини аниқлаб олишга ёрдам берганини якдиллик билан таъкидладилар.

Президент С.Ниёзов тўрт қардош қўшни давлат раҳбарларига эътибори, самимий тилаклари ва дўстона мадади учун миннатдорлик изҳор этди.

Президентлар Н.Назарбоев, А.Акаев, И.Раҳмонов ва И.Каримов самимий кутиб олгани ва меҳмондўстлиги учун Президент С.Ниёзовга миннатдорлик билдирдилар.

Қозоғистон Республикаси Президенти Н.НАЗАРБОЕВ
Қирғизистон Республикаси Президенти А.АКАЕВ
Тожикистон Республикаси Президенти И.РАҲМОНОВ
Туркманистон Президенти С.НИЁЗОВ
Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

УМИДДАГИ ЁШЛАР СИНОВИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАРНИНГ ХОРИЖДА ТАЪЛИМ ОЛИШЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ «УМИД» ЖАМҒАРМАСИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНИГА БИР ЙИЛ БЎЛДИ.

Жамғарма Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг устивор йўналишлари бўйича иқтидорли йигит ва қизларни танлов асосида чет эл олий ўқув юртларига ўқишга юбориш, уларнинг жаҳон андозалари талаблари даражасидаги илғор билимлар асосида таҳсил олишларига, баркамол инсон ва юксак маънавиятли, юқори малакали мутахассис бўлиб етишишларига моддий ва маънавий ҳомийлик қилиш, уларнинг ноёб қобилиятларини Ватан истиқболига йўналтириш, мамлакатимиз иқтисодиёти, маданияти ва маънавиятини хорижий давлатларда ташвиқ ва тарғиб қилиш, ривожланган мамлакатларнинг бу борадаги тажрибасини ўрганишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган эди.

Ўтган йили бакалавр ва магистрлик даражасини олиш учун бўлган танловлардан муваффақиятли ўтган 157 нафар ёшлар бугунги кунда Америка Қўшма Штатлари, Буюк Британия, Франция, Япония, Германияда таълим олмоқда. Бу йил Президентимиз ташаббуси билан улар сонини беш юз нафарга етказиш кўзда тутилмоқда. Ёшларимиз бораётган давлатлар сафига яна бошқа бир нечта мамлакат қўшилди.

Танловга тайёргарлик масалаларида Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликлари ҳамда бир қанча олий ўқув юртлари иштирок этди. Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда бирламчи танлов ўтказилиб, ғолиблар асосий босқичга тавсия этилди. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, вазирликлар ташаббуси билан жойларда чет тилларни ўргатиш курслари ташкил қилинди. Уларда қатнашган йигит-қизларимиз инглиз, немис, француз, япон тилларини ўзлаштириб, танловда иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Бу йилги кириш имтиҳонлари тўрт босқичда ўтказилмоқда. Ёшлар қайси мамлакатга боришига қараб, ўша давлат тили, танланган соҳа мутахассислиги бўйича имтиҳонлар, умумий фикрлаш доираси, маънавият ва маърифат бўйича билимларини аниқловчи суҳбатлардан ўтадилар.

5 январь куни Ўзбекистон Республикаси Банкмолия академиясида Буюк Британияга борадиган ёшлар учун биринчи босқич синовлари бошланди. Кейинги кунларда АҚШ, Германия, Франция, Япония ва Италия давлатларига борадиган ёшларнинг тил бўйича синовлари ўтказилади. Бу синовларда ўша давлатларнинг вакиллари, тилшунослари ҳам иштирок этади. Дастлабки синовда қатнашаётган бир ярим мингдан зиёд даъвогардан 350 нафари танлаб олинади. Хорижда мамлакатимиз вакиллари эгаллайдиган соҳа турлари ҳам бу йил анча кенгайган. Улар қаторига иқтисодиёт, халқаро сиёсий ва молиявий ҳуқуқ, ҳисоблаш тармоқларини лойиҳалаштириш-компьютерлаш, физика, математика, химия, биология мухандислиги бўйича дастурлаш, замонавий қишлоқ хўжалик технологияси, экология ва сув ресурсларини бошқариш, журналистика, машинасозлик, саноат дизайни, меъморчилик, рассомчилик, мусиқа каби соҳалар киради.

Қишлоқ муаммолари

ҚЎЙЛАР НЕГА МАЪРАЙДИ?

Сув ... Унинг одамлар ҳаётида, айниқса Қизилқумда қанчалик муҳимлиги тўғрисида гапиришга ҳожат бўлмаса керак. Бу ҳаммага маълум. Лекин ҳозирги пайтда Қизилқум яйловларида қоракўл қўйларини боқаётган чўпонларнинг қийинчиликларини ҳамма ҳам тасаввур қилавермайди.

Конимех туманидаги «Сарибел» жамоа хўжалиги чўпони Анвархон Мансуровнинг сўзларига эътибор беринг:

- Мен 35 йилдан буён қўй боқаман. Кўп қийинчиликларни кўрганман. Муаммолар етарли эди. Аммо энг асосий муаммо ичимлик сув билан боғлиқ. Ҳозир Қизилқумда ер қаъридан сув чиқарадиган «ЗИД» насосларидан фойдаланилмоқда. Биз уни содда қилиб «мотор» деймиз. Шу моторни ўз маблағимиз ҳисобидан беш йил муқаддам таъмирлатган эдик. Ҳозир яна ишдан чиқди. Ёрдам берадиган одам йўқ. Қўйларни суғориш учун «мотор»и ҳозирча ишлаб турган қўшнилар ҳудудига олиб борамиз. Уларда ҳам насос ишдан чиқса, ҳолимиз не кечади?

«Сарибел» хўжалиги раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган чорвадор Ўрозбек Тўрамуродов бу саволга жавоб бера олмади.

- Бирор йўлини топишга ҳаракат қиляпмиз, - деди у. - Ҳозирча аниқ бир гап айтиш қийин. Хўжалигимизда 92 та қудуқ бор. Насослар эса анча кам. Уларни қаердан олишни билмаймиз. Ғап шундаки, «ЗИД» насослари Жанубий Қозоғистондаги Оқсув шаҳрида йиғилади. Бу муаммони вилоят миқёсида ҳал этиш лозим деб ҳисоблайман.

Бу масала билан ким шуғулланади, муаммони ҳал этиш йўлларини излаш қачонгача давом этади? Отарларда қўйлар чанқаб маърамоқда, чўпонлар эса сурувларни қайси қудуққа олиб борсак экан, деб бош қотиришмоқда.

Ёрқул УМАР,
ЎзА мухбири

«Камолот» янгиликлари

МЕҲНАТ БОЗОРИ

Андижонда меҳнат биржаси ва ''Камолот'' жамғармаси шаҳар бўлими ташаббуси билан бўш ишчи ўринлари ярмаркаси ўтказилди. Унга барча турдаги корхона, ташкилот ва муассаса раҳбарлари ҳамда ишсиз ёшлар таклиф этилди. 300 нафардан зиёд ёшлар иш ўринлари билан таниш-ишди. Шу куни ушбу тадбир шарофати билан 136 нафар йигит-қиз ишга жойлашди, 15 нафар ёш касб-ҳунар ўргатиш масканларига юборилди. Сабаб, ишсиз ёшлар ишли, корхоналар эса танлов асосида ўзларига маъқул келадиган ходимга эга бўлди.

А. НАЗАРОВ

Қишлоғимизнинг шўх йигитчалари

ЖАСОРАТ ЮРАКДА ТУҒИЛАДИ

(Қишлоқдаги синглимга)

Ғўбдинтоғ этагидаги жилғалар ўзларича мағрур ва жонсарак. Улар гўё тоғлар ҳайбатини назарга илмагандек ёзу-қиш чулдираб оқаверади. Қорли кунларнинг мусаффо ҳавоси ҳар тонг руҳни эркалайди,юракка қувват беради. Тоғчумчуқлар ғуж-ғуж бўлишиб, қадимий Ғўбдин афсонасини ўз тилларида сўйлайдилар.

Айтишларича, ўтган замонларда Ғўбдин деган жажжи қишлоқча бўлган экан. Қипчоқ уруғининг кайвониси Мисқол она беш баҳодир ўғиллари билан шу қишлоқда яшаркан. Даврлар ўтиб, юрт тупроғига ёв оралабди. Кўплаб қишлоқлар кули кўкка совурилибди. Шунда беш ўғлон онадан изн сўраб, жангга отланишибди. ''Биз душманни маҳв этамиз ва албатта қайтиб келамиз!'' дейишибди. Сўнг улар от суриб кўздан ғойиб бўлибдилар. Тўрт ака-ука ёвни енггач, жанггоҳда шаҳид бўлибди. Кенжа ўғилни душман ҳийла билан қўлга туширибди. Шунда у душманга асир бўлмоқликдан ўзига ўлимни афзал кўрибди ва кўксига тиғ тортибди.

Она эса ҳар куни йўлга қараб, ўғилларини кутаркан. Сочлари оқариб, тишлари тўкилибди. Қадди дол бўлибди. Орадан юз йил ўтибди. Ўғиллар қайтмабди. Сўнг минг йил ўтибди. Энди онанинг руҳи улкан тоққа айланибди. У ҳамон олисларга бўй чўзиб, жанг'га кетган ўғлонларини кутар экан...

Бу афсонани эсласам, ҳар гал кўнглимда фахр уйғонади. Юртимизда эса тоғлар кўп. Минглаб ботир ўғлонларнинг йўл қараб турган оналаридир, улар!

Синглим, менга юборган мактубингни ўқиб, хаёлимдан яна кўп нарса кечди. Қишлоқнинг сарин еллари юзларимни сийпалаётгандай бўлди, вужудим бир лаҳза ором топди. Қадрдон қишлоқ ҳақида ёзганларингни қайта-қайта назардан ўтказдим.

''Опа, Ғўбдинтоғ этакларига қор қалин тушди. Деҳқонлар ''бу йил сув кўп бўлади, ҳосилга барака киради'' дейишмоқда. Даштларимизга буғдой сочдик. Акаларим бир ҳафта тиним билмай ишлашди...''

''Элни севиш, ерни севишдан бошланади'' деб бежизга айтишмаган, жон синглим. Меҳнат жамики эзгуликларнинг калитидир. Эшитган бўлсанг, раҳматли бобом бир умр деҳқончилик қилиб ўтганлар. У киши доимо: ''Оёғинг тупроққа тегиб ишлаганга не етсин, ернинг тапти юрагингни шундоққина илитиб туради'' дер эканлар. Аслида, фарзанду-набираларининг ерпарвар, элпарвар бўлиб улғайишларини боболаримиз ҳамиша орзу қилиб яшашган. Лекин, бу кунларда куч-қуввати бўла туриб, ота-онаси паноҳида бекор юрган, ҳатто ''иш ахтариб'' хорижга жўнаб қолишни афзал кўрган ёшларимизга негадир ичим ачишади. Ахир, оғирнинг остидан, енгилнинг устидан ўтиб кун кўраётган ўғлон, оилани қандай қилиб бошқаради? Бир кафт ер билан ''тиллашолмаган'' йигит эл билан қандоқ тиллашади? Бу жиҳатдан қизларнинг йўриғи бошқа...

''... Опа, қишлоғимизда тикувчилик цехи очилди. Уйлардан тикув машиналарини йиғиб чиқдик. Чок юргизишни пухта эгалладим. Кеча ўзимга янги қўйлак бичдим...''

Ҳунарга нима етсин, синглжон. Бир пайтлар қишлоқ қизларини қўлидаги ҳунарига қараб баҳолашарди. Тикиш-чатишни яхши билган қизларни ''чевар экан'' деб мақташарди. Уларни келинликка танлашдан аввал нон ёпиши, куви пишиши, сигир соғиши, хушмуомалалиги ва рўзғор юмушларини қандай бажаришига разм солинарди. Ёдингда бўлса, энам бизга бир ривоятни айтишдан ҳеч эринмасдилар. Қадимда бир киши ўғлини уйламоқ бўлиб, келин ахтариб йўлга тушибди. Биринчи эшикни қоқиб, уй эгасидан: ''Қизингиз рўзғор ишини қандай бажаради?'' деб сўрабди. ''Нимаики юмуш буюрсам, шу зумда адо этади!'' дебди уй эгаси. Ҳалиги киши иккинчи эшикни қоқиб, яна ўша саволини такрорлабди. ''Қизим қайси ишга қўл урса, бекаму-кўст бажаради?'' дебди уй эгаси. Учинчи хонадон соҳиби эса: ''Мен қизимга уни қил, буни қил деб ўтирмайман, ҳамма ишни ўзи билиб-билиб қилаверади!'' дебди. Йигитнинг отаси шу одамнинг қизини келинликка сўраган экан. Ўшанда энам жами ўгитларини шу ривоят орқали бизга англатган эканлар, энди билсам...

''... Қишлоғимиз кутубхонасидан ҳеч кўнглингиз тўлмасди, опа. Ҳозир кутубхона ҳам бошқача. Биноси таъмирланди. Кекса опахон пенсияга чиқди. Ўрнига ёшгина қиз ишга келди. Кутубхоначилик бўйича шаҳарда ўқиган экан. Келибоқ, жуда кўп янги китоблар келтирди, биз қишлоқ қизларини йиғиб суҳбат ўтказди. Қариялар ҳам қизиқиб келишди шу куни. Мана кўрасиз, ҳадемай қишлоғимиздагиларнинг ҳаммаси китоб ўқийдиган бўлади!''

Қувончларингга шерикман, синглим. Назаримда, дунёдаги ҳеч бир нарса китоб ўқишнинг завқига тенглашаолмайди! Китоб ақлни пешлайди, руҳни тарбиялайди. Буни ўзинг ҳам яхши биласан. Сен бу кун китоблардан олаётган ''руҳий озуқа'' ҳали кўп йиллар хизматингда бўлади, худди шам каби йўлларингни ёритади. Ўтган аср бошларида яшамиз билан муродга етдикми ёки хатоларимиз билан уятга қолдикми? Ё бўлмаса дунёга келмагандек кетаяпмизми? Аслида яшамоққа келдикми ё яшнатмоққа? Бу ҳақда ҳеч ўйлаб кўрдикми?!'' Бу ҳикматлардаги ''юк'' сени ва дугоналарингни сергакликка ундаши табиий деб ўйлайман.

''... Кимнидир севиб қолишдан қўрқаман, опа!''

О, синглим-а, сен бундан чўчима. Муҳаббат шундай бир тоза туйғудирки, у юрагингга кирган заҳотиёқ, сен бошқа бир одамга айланасан. Юрагинг шу лаҳзадан бошлаб янада гўзаллашади. Ҳаётга иштиёқинг ортади. Агар қачондир сен севги соҳиби бўлсанг, қалбингга нурафшон туйғунинг кириб келгани билан астойдил қутлаган бўлардим.

Кўҳна Ғўбдинтоғ этакларидаги қишлоқлар худди қордан бино бўлган қасрларга ўхшайди, бу кун. Фақат қишлоққагина хос бўлган ажиб ҳолатлар нигоҳларга ҳайрат сувратини муҳрлайди. Қалин қор остида ниш ураётган майсалар каби кўнгилда ҳам тип-тиниқ хаёллар етилади, умидлар тозариб яшилланади. Шу умидлар билан дунёга боқсанг томирларингда қон эмас, олов югураётганини, шуурингга қувват, вужудингга шижоат ёғилаётганини ҳис этасан. Худди шу лаҳзада ҳар нарсага қодирсан, синглжон. Сен эрталардан мўъжиза кутма, балки шу мўъжизани ўзинг ярат. Ақлинг, иқтидоринг, имконинг билан... Шу бугуноқ ярат! Бунга жазм қилмоқ учун жасорат зарур. Жасорат эса юракда туғилади.

Сен ва тенгдошларингга шундайин бир жасоратни тилаб, хайрлашаман. Омон бўл.

ГУЛЧЕҲРА

МАМЛАКАТИМИЗ ТАШҚИ СИЁСАТИГА БИР НАЗАР

Жаҳоннинг барча мамлакатлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириб, сиёсий тузумидан қатъий назар республикамиз манфаатларига мос келадиган ҳамкорлик ришталарини боғлаш давлатимиз ташқи сиёсатининг муҳим шартларидан биридир. Ўз ташқи сиёсатини оғишмай тенг ҳуқуқли асосда олиб бораётган Ўзбекистон учун 1997 йил ҳам ўта самарали бўлди. Республикамизнинг халқаро майдондаги нуфузи, салоҳияти, обрў-эътибори янада юксакроққа кўтарилди.

Бугунги кунда Халқаро валюта фонди, Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан ўрнатилаётган алоқалар ўзининг дастлабки самараларини бера бошлади, дунёнинг 120 дан ортиқ етакчи банклари билан корреспондентлик алоқаларининг йўлга қўйилганлиги ҳам иқтисодиётимизнинг барқарор ривожланишида муҳим омиллардан бири бўлмоқда.

Бугунги кунда республикамизда фаолият кўрсатаётган 3000 дан зиёд қўшма корхоналарнинг аксарият кўпчилиги етакчи мамлакатлар бўлмиш АҚШ, Германия, Франция, Буюк Британия, Италия, Япония, Канада, Жанубий Корея каби мамлакатлар ҳиссасига тўғри келмоқда.

Ўтган йил, Америка Қўшма Штатлари билан мамлакатимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларининг юқори босқичга кўтарилишида муҳим аҳамият касб этди. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг 1996 йил июн ойида ушбу мамлакатга қилган расмий ташрифи ҳамда унинг АҚШ раҳбари Билл Клинтон билан олиб борган музокаралари ўзаро манфаатли алоқаларни юқори босқичга кўтарилишида муҳим роль ўйнади.

Ўтган йилнинг ноябр ойида АҚШ Президентининг рафиқаси Хиллари Клинтон мамлакатимизда бўлиб, юртимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, юртимизда она ва болаларга яратиб берилган имтиёзлар билан яқиндан танишди. Мамлакатимиз раҳбари билан бўлиб ўтган учрашув асосий эътибор икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий, илмий техникавий ҳамда маданий алоқаларни янада ривожлантириш масалаларига қаратилди.

Мамлакатимиз ташқи сиёсатида жаҳондаги энг тараққий этган Европа мамлакатларидан бири бўлмиш Италия республикаси ҳам ўзига хос аҳамиятга эга. 1997 йил мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларининг юқори босқичга кўтарилишида муҳим омил бўлди. Италия республикаси Президенти Оскар Луиджи Скальфаро 2-4 май кунлари ҳамда ушбу мамлакат вазирлар кенгаши раиси Романо Продиларнинг сентябр ойида юртимизга қилган расмий ташрифларида Президентимиз билан олиб борилган музокаларда-ги асосий эътибор манфаатли ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш масалаларига қаратилди. Ўзаро маҳсулот айрибошлаш ҳажми йил сайин ўсиб бормоқда. Жумладан, икки мамлакат ўртасидаги товар айрибошлаш 1996 йилда 1993 йилга нисбатан уч баробар ортиб, салкам 142 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Ушбу мамлакатнинг олий мартабали раҳбарлари юртимизда бўлган чоғида ҳам икки мамлакат ўртасида ишга солинмаган соҳаларни йўлга қўйиш масалаларига катта эътибор қаратилди. Ўзбекистон ва Италия республикалари ўртасида ўзаро муносабатлар қатъиятлари тўғрисидаги қўшма декларация, иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги битим, маданий ва илмий техникавий, туризм соҳаларида ҳамкорлик қилиш бўйича ҳукуматлараро битимлар имзоланди.

1997 йил Ўзбекистон--Греция мамлакатлари ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларининг ривожланиши. қувонарли ҳолдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 31 март -- 2 апрел кунлари ушбу мамлакатда амалга оширган расмий ташрифи ҳамда Греция Президенти Константинос Стефанопулос билан олиб борган музокаларида ҳам асосий эътибор шунга қаратилганди.

Жаҳон ҳамжамиятида мустаҳкам ўрин эгаллаган Греция бугунги кунда Европа Иттифоқи, Қора денгиз иқтисодий ҳамкорлиги, НАТО каби ташкилотларнинг тўла ҳуқуқли аъзосидир. Қолаверса, ушбу мамлакат Болқондаги барқарор давлатлардан бири ҳисобланади. Мамлакатимиз Европа давлатлари билан иқтисодий алоқаларини янада ривожлантириш йўлидан борар экан, бунда албатта мамлакатимизнинг Греция билан самарали ҳамкорлик қилиши муҳим ўрин тутади.

Мамлакатимиз раҳбарининг ушбу давлатга ташрифи аввало, ана шу мақсадларга қаратилди. Ўз навбатида Греция ҳам Марказий Осиёда қулай жуғрофий маконга эга, сиёсий ва иқтисодий барқарор давлат бўлмиш Ўзбекистон билан савдо-иқтисодий, маданий ҳамкорликни ривожлантиришдан ҳар томонлама манфаатдордир.

Ҳеч бир муболағасиз айта оламизки, мамлакатимиз ташқи сиёсатида Туркия етакчи ўринлардан бирини эгаллайди.

Давлатларимиз ўртасидаги ўзаро дўстона алоқалар йил сайин ривожланиб бормоқда.

''XX асрнинг жаҳон миқёсидаги энг муҳим якунларидан бири, шубҳасиз, ягона тарих, тил ва дин бирлаштириб турган қардош туркий халқларнинг истиқлолга эришганлигидир. Тарихнинг ортга қайтмас ана шу нуқтасида Ўзбекистон бошқа қардош жумҳуриятлар қаторида буюк жасорат ва қатъият билан XXI аср томон илгариламоқда''.

Президентимиз Ислом Каримовнинг ''Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари'' китобининг яқинда турк тилида чоп этилган нашрига Туркия Президенти Сулаймон Демирэл ёзган сўз бошида ана шу сатрлар бор. Ҳа, Туркия раҳбари бу сўзлари билан ўз миллий давлатчилигини бугунлай янги тарихий шароитда қайтадан тиклаётган ва бу йўлда қўлга киритаётган улкан муваффақиятларимизни холисона эътироф этган.

Қардошларча бўлган ана шундай муносабат, руҳ давлатимиз раҳбарининг шу йил 17-19 ноябр кунлари Туркия республикасига қилган расмий ташрифи давомида бошдан то охиригача устувор бўлди.

Таъкидлаш жоизки, турк заминига буюрилган мазкур ташриф муқаддимасининг дастлабки дақиқалариданоқ Ўзбекистон ва Туркия давлатларининг тараққиёт йўлларида муштарак жиҳатлар кўп экану, икки халқ бир-бирига фақат равнақ ва бахт исташи намоён бўлди.

Ташриф доирасида юртбошимизнинг Туркия Президенти С.Демирэл, Бош вазир Месуд Йилмаз ва мамлакатнинг Буюк миллат мажлиси раиси Ҳикмат Четин билан бўлиб ўтган музокаларида асосий диққат-эътибор икки қардош халқ ўртасидаги барча соҳалардаги алоқаларни юқори босқичга кўтариш масалаларига қаратилди.

Мамлакатимиз ўз ташқи сиёсатини олиб борар экан, собиқ социалистик лагерда бўлган, бугунги кунда ўз тараққиёт йўлидан дадил одимлаб бораётган мамлакатлар Чехия, Словакия ҳамда Венгрия республикалари билан ҳам ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириб бормоқда.

Ўтган йили республикамизнинг ушбу давлатлар билан ҳамкорлик алоқалари ривожида ўзига хос йил бўлди десак, муболаға бўлмайди. Йил бошида Президентимиз Ислом Каримов Чехия ҳамда Словакия республикаларида расмий ташриф билан бўлиб, ушбу икки мамлакат давлат ва ҳукумат бошлиқлари билан учрашиб, музокаралар олиб борди.

Республикамиз расмий делегациясининг икки давлатга ташрифи давомида ўзаро алоқаларни ривожлантиришга қаратилган кўплаб муҳим ҳужжатлар имзоланди. Айниқса, давлат бошлиқлари даражасида Ўзбекистон республикаси билан Чехия республикаси ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисидаги қўшма баёнот ҳамда Ўзбекистон республикаси ва Словакия республикаси ўртасида ўзаро муносабатлар ва ҳамкорликнинг асослари тўғрисидаги шартноманинг имзоланиши ҳозиргача ўз оқимида давом этиб келган алоқаларга янгича руҳ бағишлади.

Ўтган йил октябр охирида Венгрия республикаси Президенти Арпад Гёнц мамлакатимизга расмий ташриф буюрди ва юртбошимиз билан мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамжиҳатлик муносабатларини ривожлантириш масалаларини муҳокама этдилар.

Шунингдек, Президентлар икки республика ўртасида ҳар томонлама дўстона муносабатларни янада чуқурлаштириш тўғрисидаги декларацияни имзоладилар ҳамда ташриф доирасида икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида дипломатик паспортга эга бўлган фуқароларни ўзаро визасиз сафар тартиблари тўғрисидаги битим, ''Ўзбектуризм'' миллий компанияси билан Венгриянинг саноат, савдо ва сайёҳлик вазирлиги ўртасида сайёҳлик соҳасида ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланди.

Президентимиз И.Каримовнинг 1995 йил ёзида Литвага расмий ташриф буюриши икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликка ҳуқуқий асос солган эди.

Кейинги йиллар давомида мамлакатимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларда сезиларли ўзгаришлар кўзга ташланяпти. Жумладан, 1996 йилда маҳсулот айрибошлаш ҳажми 1995 йилга нисбатан 2 баробар ошди. Бу йил эса бундан ҳам ортиши кутилмоқда. Лекин бу борада ҳали ишга солинмаган имкониятлар ҳам мавжуддир.

Хусусан, ҳар икки мамлакат иштирокида қўшма сармоя лойиҳаларини тузиш ва уларни фаол ишга солиш ҳам манфаатли ҳамкорлик истиқболини таъминлайди.

Қ.КАРИМБЕКОВ, А.ҚИРҒИЗБОЕВ,
халқаро шарҳловчилар

"Туркистон" шарҳи

ҚИШЛОҚ ЁШЛАРИНИ КИМ ЎЙЛАЙДИ?

ОҚ ОЛТИН ТУМАНИДА ''КАМОЛОТ''ЧИЛАРНИ ТАНИШАДИМИ?

Пойтахтнинг Отчопар бозорида йигирма беш ёшлардаги, қорамағиз юзли, кўзлари бироз қисиқ йигит кечаси ётишга арзонроқ жой бормикин, меҳмонхона қиммат экан, деб сўради. Танишиб, бафуржа суҳбатлашдик. Номозбой исмли бу йигит сирдарёлик, Оқ олтин туманидан экан.

-- Қишлоқда иш йўқ, -- дейди у. -- Оилани боқиш керак. Шунинг учун бозорда дастёрчилик қилиб юрибман.

-- "Камолот"га учрамадингизми, ёрдам беришарди, -- дедим унга

-- У қандай ташкилот? -- деди у ажабланиб. -- Туманимизда шунақа идора борми?

Ушбу суҳбат баҳона Оқ олтин туманида бўлишга жазм қилдик.

''Камолот'' туман бўлими раиси Алишер Нахалбоев дастлаб сўзамол, ҳаракатчан йигит сифатида таассурот қолдирди. Ундан бўлим фаолияти ҳақида сўрадик.

-- ''Ҳамшира-97'' танловини ўтказдик, ногиронларга 5 минг сўмлик совға улашдик. Мактабда жамоатчилик маркази тузишга маблағ бердик,-- деди Алишер ва яна нималар ҳақида гапиришни билмай бош қашиди.

Оқ олтин вилоятдаги иқтисодий ночор туманлардан. Бир неча йиллардан буён бу ерда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш режалари бажарилмайди. Ўтган йили ғаллачилик бўйича белгиланган марра 40 фоизга, пахтачилик бўйича 50 фоизга уддаланган. Бошқа тармоқлардаги кўрсаткичлар ҳам мақтангулик эмас. Туманда саноат корхоналари йўқ ҳисоби. Халқ хўжалиги соҳаларида режаларнинг бажарилиши ўлда-жўлда бўлгани боис, аҳолининг, айниқса, ёшларнинг ҳаётида зудлик билан ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар жуда кўп. Туманда ''Камолот'' жамғармаси бевосита иш олиб бориши мумкин бўлган 10 мингдан зиёд йигит ва қизлар бор. Жамғарма уларнинг бошини қовуштириб, мавжуд муаммоларни бартараф этиш, йигит ва қизларнинг куч ва ғайратларини Ватан истиқлолини мустаҳкамлашга сафарбар этиш учун қандай тадбирларни кўраяпти?

Туманда фақатгина расман рўйхатдан ўтган 123 нафар (ишсизлар, 23 нафар тарбияси оғир ўсмирлар бор.

Уларнинг ўртасида қандай ишлар олиб борилмоқда? Бу каби саволларга ва ''Камолот'' ташкил топгандан буён ўтган бир ярим йил ичида пайдо бўлган янги ташаббуслар, ҳаракатлар ҳақида ҳам Алишер Нахалбоев бир оғиз сўз ҳам айта олмади.

Бўлим раиси бизни қизиқтирган саволларга нима деб жавоб беришини билолмай, гоҳ суҳбатимизда иштирок этаётган туман ҳокими ўринбосари Н.Жайноқовга, гоҳ қайсар мухбирга мўлтираб тикиларди. Ёшлар саркорини ноқулай аҳволдан қутқариш учун бўлимнинг иқтисодий аҳволи ҳақида сўрадик. Аниқланишича, туман ҳокимининг 1996 йил 16 майда ''Камолот'' жамғармаси туман бўлимини тузишга доир қабул қилинган қарорига кўра, таъсисчилар, хўжалик ва ташкилотлар бўлимга 3 миллион сўмдан зиёд маблағ ўтказишлари зарур экан. Ўтган бир ярим йилда унинг 9 фоизи ёки 280 минг сўми ''Камолот'' ҳисобига ўтказилган, холос.

Бўлим ҳисобида ҳозир маблағ йўқ. Ундай ҳолда бўлим таъсисчиларининг маблағини нималарга сарфлади? Раиснинг узуқ-юлуқ тушунтиришларига қараганда 65 минг сўм пул хайрия тадбирларига сарфланибди. Тижорат ишларини орзу қилиб, 50 минг сўмлик идоравий ашёлар келтирилиб, унинг ярмидан кўп қисми туман суғурта ва солиқ идораларига сотилган. Аммо улар ҳозиргача олган маҳсулоти учун пул ўтказмаган.

-- Маблағнинг қолган қисмини нималарга сарфладинглар? -- деган саволимизга на бўлим раиси, на ҳоким ўринбосари аниқ жавоб бера олмади.

-- Иш ҳақига ҳам сарфладик, -- деди анча фурсатдан сўнг раис.

Аммо Нахалбоев худди кўпдан буён иш ҳақи олмаётгандай бўлимда ишлаётган ўзи, ўринбосари ва котибасига бир ойлик маошлари учун қанча маблағ зарурлигини ҳам айта олмади.

Тўғри, Нахалбоевни ''Камолот'' ташкил этилганидан буён қўл қовуштириб ўтирибди, дейиш қийин. Ёшлар тадбиркорликни орзу қилиб, фирма очишди. Эплай олишмади, уни ёпиб тинчишди. Узларини деҳқончиликда синаш учун 10 гектар олмазор боғга эгалик қилишди. Аммо уни дўл урди, бирор сўмлик ҳам ҳосил йиғиштириб олинмади. Қандай юмушга қўл уришмасин, ишлари юришмаяпти.

Бўлим фаолиятидаги бундай боқибеғамлик, нўноқлик, ўзибўларчиликни кўриб, наҳотки, туманда ''Камолот''чиларга ёшлар муаммолари билан ёниб, жўшиб яшаш ва ишлашни ўргатадиган, уларни тўғри йўлга соладиган ташкилотлар бўлмаса, деган ўйга борасиз. Шу сабабли ҳам туман ёшлари ''Камолот''чиларни яхши танимайди.

Афсуски, қўриқ вилоятнинг Меҳнатобод, Мирзаобод каби бошқа баъзи туманларида ҳам ''Камолот''чиларнинг аҳволи ҳавас қиларли эмас.

Яқинда Навоий вилоятида бўлиб, ''Камолот'' туман ва шаҳар бўлими раислари билан учрашдик.

-- Вилоятимиз туманларида ишнинг юришмаслигига сабаб, таъсис шартномаларида белгиланган маблағлар барча бўлимларга ҳам тўла тушгани йўқ, -- деди Навбаҳор тумани бўлими раиси А.Абдураҳимов. -- Имкон даражасида таъсисчилардан ҳақимизни ундириб олиш чорасини кўряпмиз. Лекин ҳозирча ўзгариш кам.

Ҳа, бошқа вилоятларда ҳам баъзи таъсисчилар турли сабабларни рўкач қилиб, шартномада белгиланган маблағларни ''Камолот''га ўтказмаётир. Бўлим раҳбарлари эса фаолиятларидаги камчиликларни таъсисчиларнинг масъулиятсизлиги билан аспўшлашга уриняптилар. Бизнинг фикримизча, туман ҳокимликлари ёшлар ташкилотларининг куч ва ғайратларини мамлакат Президентининг Ўзбекистон ёшларининг ''Камолот'' жамғармаси тўғрисидаги Фармонида белгилаб берилган вазифаларни бажаришга сафарбар этишларига бевосита ёрдам беришлари зарур.

А.ФОЗИЛОВ

Муҳтарам дўстим!

Нақадар азиз ва нақадар улуғдир, Инсон. У ким? СЕН билан МЕН. Кўҳна борлиқнинг эгалари ҳам СЕН билан МЕН...

-- Ёлғизлик фақат Аллоҳга ярашур, инсонга эмас!-дейсан СЕН.

-- Маҳбубингнинг севгисини қозонмай туриб, унга ҳукмингни ўтказма!-дейман МЕН.

-- Қачонки ўзинг билан бирга яшаётган кишининг қалбини тушуниб етолсанг, инсонни англаганинг шу,-дейсан СЕН.

-- Агар эркак ва аёл бир-бирларининг кафтларини маҳкам бирлаштирсалар, панжалари орасидан гуноҳлари дув-дув тўкилармиш,-дейман МЕН.

СЕН ва МЕНинг сўзлаганларимиз олис ўтмишда айтиб қолдирилган ҳикматлардир. Бизга қадар ва биздан кейингилар ҳам бу ҳикматлар мағзини қайта-қайта чақаверадилар. Сўнг улар ҳам биздек фикр қилурлар: "Ҳикматларнинг бари жамланса, бахт деган сўз келиб чиқади!" Бахт! Қулоқ солинг-а, юрагимизнинг ҳар зарби гўё шу сўзни энтикиб шивирлаётгандай. Девордаги соат оддий соат эмас, у нуқул "бахт, бахт" деб пичирламоқда. Кўзимизга босилган ҳар ранг, шууримизга урилган ҳар оҳанг, неки бор, ҳаммаси бизга бахтни ваъда этаётгандек туюлади. Аслида-чи, биз бахтимизни топдикми? Ё уни топган заҳотиёқ бой бердикми? Ёхуд ҳали -ҳануз бахтни қидириб яшаяпмизми, биз? Бахт нима ўзи, муҳтарам дўстим? СЕН уни қандай тасаввур этасан? Бу галги суҳбатимиз шу ҳақда кечади.

ОИЛАДАГИ БАХТ

Аёл ҳар кеч ишдан қайтадию, бориб дераза токчасидаги қўғирчоқни қўлига олади. Сўнг унга термулиб, пичирлайди: "Қалайсан, қизалоғим? Мени соғиниб кетдингми? Тезроқ келсайди, деб кутдинг-а, тўғрими? Мен ҳам сени жуда соғиндим. Негадир бугун сен ҳақда кўп ўйладим..."

Қўғирчоқ тош қотганча аёлга тикилиб тураверади. Шунда аёл ўзича қўғирчоқни "овута" бошлайди: "Қўй, йиғлама, асалим. Мана келдимку, ахир. Энди иккимиз тўйгунча гаплашаверамиз!"

Аёл тунда ёстиққа бош қўяётиб ҳам қўғирчоққа бир қараб олади. "Яхши ухлаб тургин!" дейди унга. Сўнг ўзининг-да кўзлари юмилади. Тушида... Қўғирчоқ чиндан ҳам унинг қизи бўлиб қолганмиш. "Сен қўғирчоқ эдингку, қандай қилиб қизчага айланиб қолдинг?" деб сўрармиш аёл. "Сен ҳадеб йиғлайвердинг, мен бунга чидолмай дарров қизчага айландим-да!" дермиш қўғирчоқ. Аёл бу гаплардан завқланиб, кулиб юборибди. Сўнг уйғониб кетибди. Қараса, қизча йўқ. Қўғирчоқ эса ҳамон тош қотганча жойида турибди... Ҳар тун такрорланарди бу туш. Шунинг учун ҳам аёл кундузлардан кўра кечаларни кўпроқ суярди. Ахир тушларида бўлсада, ўз "қизалоғи"ни кўради, тушларида бир зум бахтли бўлади, у.

... Йиллар ўтиб, мен шу аёлдан мактуб оламан. "Биз фарзанд кўрдик,-- деб ёзади у. -- Ширингина қизалоқ. Бугун олти ойлик бўлди. Ҳозир сизга шу хатни ёзяпману, у бўлса нуқул дераза токчасидаги қўғирчоқни "олиб бер" деб имо қилаяпти..." Беихтиёр кўзларимда ёш қалқийди. Аёлнинг ҳаётини буткул ўзгартириб юборган қизалоққа узоқ умр тилайман. Сўнг шоша-пиша аёлга жавоб мактуби ёза бошлайман. "Интизорлик билан топган бахтинг сенга муборак бўлсин!" дея якунлайман хатимни.

Ўзимга таниш бўлган юзлаб мактублар менда турлича таассуротлар қолдирганини унутолмайман. Очиғи, таҳририятнинг хатлар бўлимидаги анча йиллик иш фаолиятимдан кўнглим тўлади. Бу вақт ичида мен кўплаб тақдирлар билан рўбарў келдим. Баъзи бирларига ўзим ёрдамлашдим, айримлари менга ёрдам қилишди. Мактублар билан ишлаш мен учун гўёки ҳаёт мактаби эди. Инсон ёруғ дунёда ўз бахти учун курашиши керaклиги, гарчи орзулари ушалмай қолган чоғда ҳам, аёл керагича фидойилик кўрсатиб, ўз оиласи учун ҳамиша бахт яратиб яшаши зарурлигини мен шу мактаб "сабоқлари"дан ўргандим, билдим.

Кунлардан бир куни мутлақо нотаниш аёл менга шундай мазмунда хат йўллади:

"...Эл-юртнинг назарида биз "энг бахтли хонадон" саналамиз. Чунки икки ўғил, бир қизимиз бор. Эрим йирик фирманинг бошлиғи. Ҳеч нарсага зориқмай яшаяпмиз. Лекин... Турмуш қурганимизга ўн йилдан ошибдики, эримнинг бирор марта уйга эртароқ қайтиб, биз билан бирга очилиб-сочилиб ўтирганини эслолмайман. Нуқул ярим кечада, ширакайф кириб келадилар. Ҳатто ўз болалари билан бир зум сўзлашмоққа-да ҳоли йўқ. Мен эса худди устига юк ортилган бир аравага ўхшайман. Уй, ишхона, мактаб, боғча, дўкон, бозор... Бу арава кунига шу манзиллар ичра айланиб юради. Қорми, ёмғирми, барибир у устидаги зил-замбил юки билан айланаверади. Байрамларда болаларимнинг боғча опаларию, муаллимларига совғалар улашаман, гуллар тутқазаман. Лекин бирор кимса менга ҳам яхши сўз айтиб, бир дона гул узатмайди! Барчага бирдай меҳр бераману, ўзим эса меҳрга зорман. Кўни-қўшниларимиз менга ҳавас қилишиб, "Сен бахтли аёлсан!" дейишади. Қани ўша бахт?

Очиғи, бир пайтлар чиндан ҳам бахтли эдим. Ўшанда биз ҳозирги уйимизга эндигина кўчиб келгандик. Айтарлик буюмларимиз ҳам йўқ эди. Лекин, иккимиз иноқ, бир-биримизга парвона эдик. Бўм-бўш уйларда тонггача ширин суҳбат қурардик. Ўша кунларнинг бирида эрим менга: "Ҳали кўрасиз, бизнинг ҳамма нарсамиз бўлади!"дедилар. Айтгани келди. У бор куч-иқтидорини сарфлаб, катта лавозимга кўтарилди. Сўнгра фарзандларимиз дунёга келди. Тезда бойиб кетдик. Энди ҳамма нарсамиз бор. Лекин бир пайтлардаги ёниқ муҳаббатимиз энди йўқ... Ҳатто энг қимматбаҳо буюм ҳам йўқолган севгининг ўрнини босолмас экан! Ҳувуллаган уйлардаги меҳрли суҳбатларни соғинавераман. Ўша ёруғ кунлар қачондир оиламизга яна қайтармикин?!"

Яқинда китоб мутолаа қилаётиб, шундай сўзларга кўзим тушди: "Аёлни қимматбаҳо пўстинга ўраб қўйсанг совимайди!" Кулгим қистади. Лекин, сўз замиридаги нозик ишорани пайқаб, жиддий тортдим. Аёл киши чиндан ҳам чиройли буюмларга ўч. У ҳамиша дунёдаги энг гўзал аёлга айланишни орзу қилади. Имкон топилса, бор-будини шу орзусига сарф қилади. Аммо аёл шу билангина кифояланиб, ўзини бахтли ҳисоблармикан? Асло! Ҳатто бир неча юз сидралик буюмлари бўлган ҳар қандай аёлнинг ҳам ҳаётдан ўз талаблари - руҳий эҳтиёжлари бор. Руҳий эҳтиёжи тўлиб-тошиб ётган аёлга ҳеч қандай моддий бойлик етарлича бахт беролмайди! Мен нотаниш аёлнинг мактубини йиллар ўтиб эълон қилаётганимнинг сабаби ҳам шу. Аксариятимиз "Рўзғори бадастир, ўзи шоҳи-ипакларга кўмилган бўлса, аёлга бундан ортиқ яна не керак?" деган фикрда юрамиз. Аксинча, аёл ён-веридагиларнинг ўзига эътибор қилишини, яхши сўз айтиб, меҳр кўрсатишларини ҳар лаҳзада кутиб яшайди! Ич-ичидан ўзини шунга лойиқ сезади...

"Бўйимдай бўй топдиму, кўнглимдай кўнгил топмадим" деган экан қадимда биров. Биз ҳар ишда теварак-атрофдагилар билан ҳисоблашамиз, уларнинг фикр-ўйларини билгимиз келади, кийинишда, ўзимизни тутишда ўзгалар нуқтаи-назарини эътиборга оламиз. Лекин, ўзимиз билан бирга яшаётган кишини бундай вақтга унутамиз. Унинг ҳам ўй-кечинмалари, бизнинг юришturишимизга муносабати, фикрлари борлиги ҳаёлимизгаям келмайди. "Ишхонамда мен билан боғлиқ бўлган кўнгилсизликлардан анча вақтгача эзилиб юрдим,- дея менга юрагини очади бир аёл. -- Кайфиятимнинг ёмонлигидан озиб-тўзиб кетдим. Эримнинг бўлса парвойи-палак. Бир куни йиғлаб ўтирганимни кўриб, шошиб сўради: "Ие, нима бўлди? Болалар соғ-саломатми, ишқилиб? Уйда ҳамма нарса етарлими? Ма, ўзингга бирор нарса сотиб ол!" дея қўлимга бир сиқим пул тутқазди. Эрим чиқиб кетгач, нимадир сўраб қўшним кириб қолди. "Кўпдан дилингиз хира сингилжон,- деди у.

-- Дардингизни айтинг, анча енгил тортасиз, ўргилай!" Йиғлаб юбордим. Қаранг, шунча йил бирга яшаган кишим шу қўшнимчалик бўлмадия!"

Оиладаги бахт... у бир-бирини тушуниш жараёнида мукаммаллашади. Тушуниш эса кашф қилмоқ билан баробар. Сиз инсонларни англамоқ учун энг аввал ёнингиздаги кишининг юрагини кашф этинг. Эҳтимол шунда бахт ўзингиз ўлчаган қолипларга сиғмаслигига, балки у жуда юксак тушунча эканлигига амин бўласиз.

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА

Ҳаёл

"... Қуёш тиккага келибди. Ташқари роса қизиб ётгандир. Тавба, эрталабдан бери шу уйдан чиқмай ўтирибман-а! Соат неча бўлибдийкин..."-- деб ўйланди. Хумор дераза рахларига жойлашиб олиб яна чексиз хаёлларига уланади. Ёлғиз овунчоғи -- деворда осиғлиғ мовий кўл соҳили тасвиридан кўз узмайди.

"... Мана шу зилол сувли кўлдан сузиб ўтса бўлди. Сўнг ў-ў анави ямяшил майсали қир бўйлаб товонларини чечакларга ўптириб аста тепага кўтариладилар. Ёки осонгина -- хўл қанотларини қоқиб-қоқиб учиб чиқа қоладилар у ерга. Сўнг иккалалари... (Ким у шериги "анави"ми, ё...?) Ёки Темур? Ҳа, Темур бўла қолсин!...Кейин тепаликнинг ортига... У томонда мўжизакор мевали боғ ёки момақаймоқлар қоплаган чексиз текислик бўлиши керак... Худди шунақа! Бу ерга эса улардан бошқа ҳеч ким кела олмайди..."

-- Ҳа-а! -- дейди ва дераза рахларидан енгилгина сакраб тушади. Худди шодлик билан тугаган ҳинд кинофильмини кўргандай. Сўнг уйни кузата бошлайди. Тахмондаги янги қавилган, шипга тегай деб турган кўрпаларга кўзи тушиб хаёли бузилади, томоғига нимадир тиқилади.

Мана неча кунки дугоналарининг айтишича чексиз бахтдек кўринган унинг "анави" чиройли Баҳромга унаштирилиши энди ич-ичидаги қандайдир аламми, армонми билиб бўлмас туйғуларини талатўп қилиб, тинчлик бермаяпти. Аслида ҳаммаси яхшидек, лекин барибир нимадир кам ёки ортиқчага ўхшайди .

Шу онда Хуморнинг ўйида ўзи кашф этган девордаги бахт манзараси бекорчи нарсадек туюлиб кетади.

Бир оз ўтгач яқинда кўчиб келишган қўшнисининг ҳовлида ўйнаб юрган бийрон тилли ўғилчаси билан дардлашаётган бўлади.

-- Сенинг отинг нимади?

-- Амир Темур, -- дейди лабларини чўччайтириб.

-- Укангники-чи?

-- Амир Жасур!

-- Иккалаларинг ҳам "амир"ми?

-- Ашақа-а! Дадамлар ҳам амир.

-- Вой, мунча маза! Менчи, менам "амир"манми?

-- Йў-ўқ! -- дейди болакай.

-- Нега энди?

-- Сиз амирмас...Сиз -- ... (атрофга аланглайди, сўнг ёдлаб олганларини эслаётгандай донадона қилиб) Сизни тўйиз бўлади, сиз келин бўласиз. Мен Амир Жасур билан иккаламиз сизи... -- гапни шу ерда тўхтатиб, кўзларини катта-катта очиб: -- Нимага сизлардин узумлариз анақа? -- деб саволга тутади.

-- Қанақа?

-- Бизники бошқача, қаранг!

Қиз суҳбатни айни ширин жойда узилишига сабаб бўлган , тепасидаги ишкомда пишиб ётган қора узумларга: "Сизларга бало бормиди бу ерда," -- дегандай норози кўз ташлайди. Суҳбатдошининг болаларча айёрлик билан изҳор этилган хоҳишини амалга ошириш учун ўрнидан кўзголади.

-- Темурбек, кел, менам "амир" бўлай, -- дея ялина бошлайди қиз суҳбатни яна тиклаш илинжида.

-- Йўқ -- дейди болакай узум уруғларини оғзидан кафтчаларига оларкан.

-- Темур, сен мени яхши кўрасан-а? -- мавзуни ўзгартиради қиз.

Ҳеч нарсани англамай, бепарво узум ейишни давом қилаётган болакайга термулиб энди: "Ҳа," дегин, -- деб ўргатади.

-- Бўпти, -- рози бўлади, -- сизни яшши кўраман.

Қиз жонланди:

-- Мени қанча яхши кўрасан Темур?

-- Мен?.. Учта! -- икки бармоғини кўрсатиб такрорлайди:

-- Учта яшши кўраман.

-- Мен сени бешта яхши кўраман, -- дейди болалардек эркалаб панжасини ёзиб кўрсатаркан.

-- Йўқ, учта! -- дейди болакай норози оҳангда.

Хўп, хўп, хўп! Сенингча бўла қолсин!

Ёлғиз шу экану, қиз ҳозир уни кўтариб олиб бутун боғ бўйлаб чирпирак қилиб айлантиришга, хоҳласа ҳамма узумларини узиб олдига уюшга, ў-ў анави баланд шоҳларида қолган қизил олмаларни олиб тушишга ҳам жон деб рози бўларди. Қулоқлари остида ҳамон "сизни яшши кўраман" минг ҳил оҳангда акс-садодек жарангларди.

Болакай у учун энди янги қўшнининг ўғли "Амир Темур" эмас, ўзининг қадрдон Темури туюлиб кетади.

-- Тему-ур! -- арз қила бошлайди: -- Мени-чи сен "амир" эмас, катта қиз дейишди. Энди мени узо-оқларга обкетишади. Мени ҳеч соғинасанми? -- бу пайтда худди қуюқ, қайрилма киприклар орқасида ҳамма воқеани кузатиб, ёлғиз шу гапларнигина кутаётган кўз ёшлар озодликка чиқиб, қирмизи ёноқлари бўйлаб юмалаб кетадилар.

Ҳайронлик тараддудда қолган болакайнинг қўлидан узумлари сочила бошлайди, термоқчи бўлади.

Қиз ёш пардалари орасидан болакайга тикилиб ўтина бошлайди: "Мени севасиз-а, Темур: айтинг! Мени ўзиз олиб кетинг! Мени улар... "Ҳаласкори" эса индамайди, кинолардагидек унинг сочларини силаб юпатмайди.

Қиз юз-кўзлари қора узум шарбатидан безак олган болакайни кўзида лим-лим савол билан ишком остида қолдириб, ўша деворида бахт акс этган уйга чопиб кетади.

Ўша ўзигина гувоҳ бўлган ҳушхол манзарани ўнгида кўра олмасликдек фожиани дилида туйиб, ўкраб-ўкраб йиғлайди қиз. Уй тўрида илиғлик оппоқ либос қозиқдан аста сирғалиб тушади, қизнинг оёқларини силаб унга таскин беради: "Ёлғиз хаёл -- кемтик эмас." Демак, у -- бахт ҳам эмас. Бахт эса доим ўша кемтиклиги билан тенгсиздир. Сени кимдир бахтларга ўрамоқчи, сен эса ҳатто севишини ҳам айтмаган одамдан умид қилиб токай яшайсан? Қўй, беҳуда йиғлашни бас қилгин энди?

Қиз бошини кўтаради. Ёшли кўзларини олислардаги мовий кўл тасвирига ҳиссиз тикиб: "Демак, бахт -- сенсиз-у, тенгсиз," -- деб сўзланади. Кўлнинг нариги соҳилидаги тепаликда у энди БАХТ билан бирга ўтказадиган онлари хаёлига беріладі.

Бу хаёл тафтидан кўзлардаги, ёноқлар сиртидаги намлар мисли ёлғончи ёмғир сувларидек қурий бошлайди.

Наргиз ҚОСИМОВА

ФАРОСАТ ҚАНДАЙ ЎРГАТИЛАДИ?

Қиз ўстираётган она... У доимо сергак яшаши, ҳар дақиқасини тарбия имкони деб ҳисобламоғи лозим. Негаки, қиз бола тарбиясининг ўзи кўп қирралидир. Муомала одоби, кийинишу пазандалик, фаҳму фаросат тушунчаларини қизлар тарбиясига сингдириб бориш онанинг биринчи галдаги бурчлари саналади.

Яқинда бир даврада бўлдим. Ёнимда ўтирган чиройликкина, қадди-басти келишган ёшгина келинчак мени дастурхонга ундади. Шу баҳона танишдик ҳам. Унинг чиройли либосларига, ҳуснига ҳавасланиб қарадим. Лекин... Келинчак жуда сўзамол экан, биров тингласа-тингламаса гапираверади, фақат ўзигагина тегишли воқеаларни биринсирин ҳикоя қилади денг. Ҳеч кимга гап бермади. Орасира овозини борича шарақлаб кулади. Кўз ўнгимда бир паста келинчакнинг жозибаси рангсизланди. У туриб кетгач, ёши улуғ аёллардан бири "Худойим бунга кўрк беribдию, лекин онаси қай жойда қандай сўзлашни ўргатмабди-да, афсус" дея бош чайқади. Бундай танбеҳ оналар шаънига ўта хунукдир. Шунинг учун ҳам қиз болага "Кўпчилик орасида энг зарур гапнигина айт, кўп тинглаб, оз сўзла, камсуқумлик қиз болага кўрк", деб ўргатиш жоиз эканини мен шу даврадаёқ тушуниб етдим.

Қариндошларимизникига борганимда музлатгичларига кўзим тушди. Ёғ идишида пичоқча, мураббо, асал солинган буюм қошиқчалари турарди. Кўзимга хунук кўринди бу ҳол. Ахир идишларни олаётганда қошиқчаю пичоқчалар тушиб кетиши бор. Тушмаганда ҳам улар шу ҳолича бирор меҳмон олдига қўйилса, уларнинг таъбига ўтиришармикан, бу!? Она ўз қизига рўзғор тутумини ўргатаётганда шу жиҳатларниям эътибордан қочирмаса яхши. Ҳатто дастурхон атрофида қиз бола хушёр, сергак, одоб билан ўтирса чиройли кўринади.

Болалигимдаги бир воқеа ҳеч эсимдан чиқмайди. Дарсдан сўнг дугонамникига кирдик. Дугонам униққан пайпоғини ечиб, туфлиси ичига юмалоқлаб солди. Онаси кузатиб турган экан, "Қизим кирлаган буюмингни юмалоқлаб қўйма. Дарров тоғорага сол, иложи бўлса ювиб, дазмоллаб қўй. Ифлос уст-бошни тозаси ичига қўйсанг ғубори уларга ҳам ўтади" деди. Шу ўгит менинг қулоғимда қолди. Йиллар ўтиб, қизларимни шунга одатлантирдим.

Тарбия мавзуида қаторқатор китобларимиз бор. Шу китобларни ўқисак, ҳар бир ўгит ҳаёт тажрибасидан олинганлигига гувоҳ бўламиз. Бувижонларимизнинг сўзлари бир хазина. Гапларига қулоқ тутсак: "Қиз бола тароғида чигал сочини қолдирса, бахти чигаллашади", "Этаги сўкилган кийимни дарров тикиб олмаса, иқболи сўкилади", "Хамир юқи қўлини ювмасдан бошқа идиш ушласа, нони кўпаймайди"деган иримларни айтиб ташлайдилар. Буларнинг замирида эса қизларни озодаликка, фаҳму фаросатга ундагувчи сабоқлар бор.

Қўшниларимдан бири ўғлини уйлаш тараддудига тушди. Қиз ҳам топилди. Тўй хабарини эшитай деб, эртасига уйларига чиқсам, онаси тушкунроқ кайфиятда экан. "Нима бўлди?" деб сўрадим. Қўшним деди: "Қизи тушмагур учрашувга бир томони сўкилган пайпоқ кийиб келибди. Ўғлимга шуниси ёқмади". Мен "Пайпоқ ўзи нозик нарса, балки йўлда сўкилгандир" деб эътироз билдирмоқчи бўлдиму, лекин индамадим. Нозик фаросатлилик қиз бола бахтининг асосий мезони эканини яна бир карра ҳис этдим.

Раъно ИСМОИЛОВА

Қизларга маслаҳат

КОРИНГИЗГА ЯРАР ҚОР

Людовик XYI замонида сарой хонимларидан бири ранги тиниқликда донг таратган экан. Ана шу хоним хизматкорига ҳар кеч уч тоғора муз келтириб, ётоғи ёнига қўйишни буюраркан. Албатта, биз сарой хонимлари эмасмиз. Лекин, қордан фойдаланиш ҳар биримизнинг қўлимиздан келадиган иш. Бу муолажани бажаришга атиги саккиз дақиқа вақт сарфланади. Натижа эса кутганингиздан зиёда -- юз териси силлиқлашади, тиниқ, пушти ранг ола боради.

Тоза жойдан қор олиб рўмолчага солинади ва учлари тугилади. Ўрта қисми юз ва бўйинга қаттиқроқ босиб турилади. Пешона, даҳан, қошу-қовоқ четлариниям унутманг. Қорли рўмолча юзга совуқ ўтгунича тутиб турилади. Бу ишни эрталаб, уйғонган заҳотиёқ бажаришингиз лозим. То ердан қор кетгунча қилинган муолажанинг фойдасини узоқ вақтгача ҳис этиб юрасиз.

(Хориж матбуотидан)

БУНИ ТАҚДИР ДЕЙДИЛАР

Баъзида эркакларнинг кинояли гаплари қулоғимга чалинади. Бундай пайтда уларнинг аёлларимизга паст назар билан қарашини оқламайман. Қизларимизни "қари" ёки "пари" қиз, деб камситишларини сира истамайман. Чунки биз қизларимизга ўзбекона тарбияни, ахлоқ-одобни уқтириб келмоқдамиз. Ахлоқ-одобга амал қилган қизларнинг кўпчилиги ийманиб, йигитлар гапирса рад жавобини берадилар. Уларнинг кўпчилиги шифокору олималар, Ватанимизнинг кўзга кўринган илм соҳибаларидир. Уларни мен ҳур қизларга қиёс қиламан. Сабаби, булар ўта одобли, узоқни кўра биладиган, қолаверса, ўз қалбига қулоқ соладиган оқила қизлар.

Ҳаётда инсон ҳусни-ҳуснига, бўйи-бўйига тенгини топиши мумкин. Лекин кўнгли-кўнглига тўғри келадиганини топиш жуда қийин. Буни кўнгил дейдилар. Севги нималигини чуқур ҳис қилмай туриб, севдим дея шошма-шошарлик билан турмуш қуриш оилани жар ёқасига олиб келади. Бундай бесамар турмушнинг кимга кераги бор.

Юзта жиртаки енгил табиат, бировларнинг турмушига тумшуғини тиқадиган "соҳибжамол" дан битта ўқимишли, доно, ор-номусли «қари қиз» минг чандон юқори туради.

Мен истардимки, эркакларимиз аёлларимизни камситмасдан уларнинг аёл эканини -- она эканини унутмасалар. Аксарият ҳолда аёлларимизнинг, қизларимизнинг бахтсиз бўлишларига эркаклар сабабчи бўлмоқда. Ор-номус нафақат аёлларда, балки эркакларда ҳам бўлиши керак-да!

Шоир айтганидек:

Во ажаб қай бир зот ўз умри қолиб,
Менинг қадамимни ўлчаб юрибди.

Одам бировнинг тақдирини сарҳисоб қилгандан кўра, ўз ўтмишига назар солгани маъқул, деб ўйлайман.

ГУЛНОЗ

Ёш бекаларга

БИР ЧИМДИМ ТУЗ

Қуриб қолган ёнғоқни уч-тўрт кун намакобга солиб қўйсангиз, таъми ва нами тикланади.

***

Нон сақланаётган идиш тагига бир сиқим туз ташланг. Нонингиз мағорламайди.

***

Сутга бир чимдим туз ташлаб юборинг, у узоқ вақтгача ачимайди.

***

Иссиқ ёғ сачрамасин десангиз, масаллиқни қовуришдан аввал туз ташланг.

***

Қишда ёйилган кирлар музлаб қолмаслиги учун уни тузли сувда чайиб олиш керак.

***

Сабзавотларни тузли сувда қайнатсангиз, фойдали моддалари сақланиб қолади.

***

Агар сурп халталарни шўр сувда қайнатиб олсангиз, унда сақланадиган ун, гуруч ва бошқа маҳсулотларга мита тушмайди.

***

Кирланган чинни идишлар (лаган, тақсимча, пиёла)ни туз билан ишқаб ювинг, ярқирайди.

***

Балиқни шўр сувда ювсангиз, ундаги балчиқ ҳиди йўқолади.

***

Дарпардаларни ювишдан олдин тузли сувга ярим соат солиб қўйсангиз, яхши очилади.

***

Агар гилам ёки паласга сиёҳ тўкилса, дарров ўша жойга қалин туз сепинг. Туз сиёҳни шимиб олади ва доғ кетади.

КЎНГИЛ

Сиз учун қизиқ

... Қадимда эфиопиялик йигитлар тишларини чархлаб юришаркан.

Ўша пайтларда қайсики йигит бамбук шохини бир тишлаганда узиб ололмаса, бўлажак келин ундан воз кечаркан.

...XIX асрнинг энг узун сочли аёли англиялик Овенс бўлган. У икки ярим метрлик сочи билан барчанинг ҳавасини келтириб юраркан.

...Грек қишлоқларидан бири -- Моноклисьяда ҳар йили 8 январ куни ҳокимият аёллар қўлига ўтаркан. Шу куни барча аёллар хўроз, қуён сўйишади ва қаҳвахонада ўтириб, майхўрлик қилишади. Эркаклар бўлса болага

"ҚУШНИЛАР ТИНЧЛИГИ БУЗИЛМАСИН..."

қарашади, овқат қилади, кир ювади, уй супуради... ва худога шукр қилишадики, 8 январ йилига бир марта келади!

...XYII асрдан буён Англияда ажойиб қонун ҳукм суради: эркаклар ўз хотинларини кеч соат 9 дан эрталаб 6 гача калтаклашлари мумкин эмас! Қонунда айтилишича, гўё "қўшнилар тинчлиги бузилармиш".

...Бир пайтлар Шанхай аёлларида тирноқ ўстириб юриш одат тусини олган. Уларнинг тирноқлари ўртача 50-55 сантиметрни ташкил этган.

...Домика оролида яшовчи аёллар умуман бошқа тилда гапира оладиларки, уларни эркаклар умуман тушунмайдилар.

...Қадимги Мисрнинг бой ва бадавлат аёллари ҳечам ёстиқдан фойдаланишмаскан. Улар сочларини яхшилаб тараб, махсус тирговучлар қўйиб ухлашаркан.

...Люксенбург -- гаройиб шаҳар. Бу ерда турмуш қурган аёллар ўз ҳохишларича эрининг рухсатисиз ишлай олмайди, бирон яқин кишисига ҳеч нарса совға қилолмайди, ҳатто кассада омонат дафтарчаси ҳам очолмайдилар.

М. РАҲИМ тайёрлаган

Қордай оппоқ туйғуларимиз...

Табаррук калом

БАРКАМОЛ ИНСОН ҚАНДАЙ БЎЛМОҒИ ЛОЗИМ?

Ушбу савол юзасидан Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Ҳамид Сулаймон номидаги қўлёзмалар институти директори, академик, таниқли олим Азиз ҚАЮМОВга мурожаат қилдик.

-- Дарҳақиқат, ҳар бир йигит-қиз ирқи, эътиқоди ва дунёқарашидан қатъий назар, аввало инсон деган буюк номга лойиқ гўзал фазилатлар соҳиби бўлмоғи керак. Шундан келиб чиққан ҳолда айтадиган бўлсак, ёшларимиз даставвал Ватанга муҳаббат руҳи билан яшамоқлари лозим. Бу баландпарвоз гаплар эмас. Юртига, аждодлари ҳоки кўмилган жойга муҳаббати бўлмаган кимса ўзини инсон аташи адолатдан эмас. Ватан ҳар биримиз учун муқаддасдир.

Мен хорижда узоқ яшаган эмасману, бироқ хизмат сафарларида кўп бўлганман. У ерларда бизга ҳўп эҳтиром, иззат кўрсатишган эса-да, барибир она юрт соғинчи устунлик қилаверган. Ўз туғилиб ўсган диёри бағрида яшамоқлик буюк саодат-ку! Гапларим кимларгадир сийқа туюлиши мумкин, бироқ Ватанга муҳаббати бўлмаган киши бахтсиздир!

Қолаверса, баркамолликнинг асосий шартларидан бири ҳам инсонпарварлик ва халқпарварликдир. Бу икки эзгу ҳислатларни бир-биридан ажратиш мумкин эмас. Ўз халқи манфаати учун хизмат қилиш барчамиз учун шарафдир. Халқ эса инсонлар жамоасидан иборат.

Хўш, баркамол инсоннинг кундалик турмуши билан боғлиқ белгилари нималарда намоён бўлади? Киши ўз меҳнатидан баҳраманд бўлиши, ундан лаззат топа билиши керак. Қадимий қўлёзмаларда таъкидланишича, ҳазрати Баҳоуддин Нақшбанд ўзларининг уч-тўрт таноб ерининг ярмига буғдой экиб, уларни ўзи янчиб, нон ёпиб кун кечирар эканлар. Рус адабиётининг забардаст намоёндаси Лев Толстойнинг ер ҳайдаётган суратига кўзингиз тушган бўлса керак. Демакки, ўз қўлинг билан яратган неъматлардан тотлироғи йўқ. Ҳалол меҳнат-турмуш, яшашнинг шартидир.

Баркамолликка элтувчи йўллардан яна бири киши таъма, ғараздан нафратланиши керак. Чархий домладан эшитгандим: ''Изза ман қанаъ залламан тамаъ'', яъни ''Қаноат қилган одам иззат топади, таъма қилган одам хор бўлади''. Бу тўғрида шеърият султони Алишер Навоий ҳам: ''Саховатнинг энг биринчи белгиси ҳеч кимдан ҳеч нарса таъма қилмасликдадир'' деган.

Қолаверса, халқимизда каттага ҳурмат, кичикка иззат, деган лўнда ва мазмундор нақл бор. Келинг, ота-онага нисбатан ҳурматни олайлик. Ота-онамиз ҳаёт пайтида ҳурматини жойига қўйганмиз, деймиз. Лекин ёшимиз ўтган сари уларга қилган муносабатимиз ончалик ҳам кўнгилдагидек бўлмаганини ҳис этамиз. Бироқ, энди кеч! Шунинг учун ёшлар ота-оналарининг ҳурматини ўз ўрнига қўйишсинки, токи кейинчалик юрагида армон қолмасин!

Энди шахснинг бевосита ўзига хос фазилатлари хусусида ҳам тўхталиб ўтсак. Ҳозирги кунда ҳаётимизда ҳаммамизга маълум бўлган ''Минералогия'' китобининг ''Тарвиҳалар'' бобида батафсил айтиб ўтган. Китобдан шундай хулоса чиқариш мумкин, кишининг устбоши, хонадони, иш жойи, танаси, дили покиза бўлмоғи керак. Қизларимизга қарата айтган насиҳатига эътибор берингда: ''Пардоз воситаларининг ичида фойдалиси сув бўлсин!''

Ундан ташқари гўзал туйғу-севгини ҳар бир йигит ва қизда тўғри шакллантириш лозим. Фикримизча, жамиятнинг ёт иллатлардан тозаланишида пок муҳаббатнинг аҳамияти беқиёсдир. Соф севги инсонни олижанобликка ундайди.

Атроф-муҳитни муҳофаза қила билиш, табиатни асраб-авайлаш, сувни, заминимизнинг зумрад ўсимликлари, ғаройиб жониворларини ҳимоялаш ҳам ҳар бир инсон учун фазилат саналади.

Бир сўз билан айтганда ана шу фазилатларнинг барини ёшларимизда мужассам бўлишига тилакдошман.

Назокат УСМОНОВА

Мамлакатимиз мактаб ўқувчиларининг қишки таътиллари қувноқ ўтмоқда



Шуҳрат

Шеър-кангулнинг айтилиши.
Дилнинг тўкилиши.
Шунинг учун ҳам шеър кангулдай самимий.
Дилдай хазин

Ёш шоира Моҳигул СУВОНОВАнинг шеърлари билан танишиш мобайнида, бунга яна бир бора ишондим. Моҳигул Сувонова кангулни Сўзга сирдош этишга чоғланган. Дилини Сўз билан бўшатишни ният қилган.

Орадаги масофа, покиза нафас-кангул айтилиши. Дил тўкилиши. Шеърнинг ёзилиши.

Ёш шоира Моҳигул Сувонованинг қалбида бунга етарли қудрат бор.

Икром ОТАМУРОД

НИМАНИДИР КУТАСИЗ, ТАЙИН

Яна мендан нима истайсиз,
Эй сиз, тошни кул қилган ғамлар?
Айтинг, яна нега қистайсиз,
Кўзларимдан сел бўлган намлар?

Қайғу бўлди фақат кўрганим,
Ўз ҳолимга қўясизму ҳеч ?
Айбми эзгу томон бўлганим,
Алам бунча олар мендан ўч?

Нималарни кутасиз тайин,
Ғариб жоним солиб қийноққа.
Ахир ўйланг, қандай чидайин,
Борлигимни солиб фироққа.

Майли, дунё ташвишларини
Ўзгалардай ҳис этиб яшай.
Лекин нодон қилмишларини
Дил қатига жойлайман токай?!

***

Хазон босган бир гулни кўрсам,
Ажин тўсган гул юзни кўрсам,
Мунгли оҳанг оғуши бирла
Нола тортган булбулни кўрсам,
Ўртанаман, эй дунё.

Кўзда ёши дарё хастанинг,
Кўнглин бузса ё армон анинг.
Бир орзуйи ушалмай умри
Тугаб борса бирор кимсанинг,
Ўртанаман, эй дунё.

МОҲИГУЛ

Оила — муқаддас

Оила -- муқаддас макон. Мамлакатимизда яшовчи аҳолининг жуда кичик бўлаги оила. Мана шу кичик бўлак катта жамоани, буюк давлатнинг асосини ташкил этади.

Инсоннинг шахс сифатидаги пойдевори оилада шаклланади. Ушбу жараёнда олган тарбияси ўғил-қизларини вояга етказиб, муроду мақсад сари элтади.

Олимларнинг таъкидлашича оиланинг асосий вазифаси инсонни ижтимоий ҳаётга тайёрлашдир.

Фарзанд дунёга келмасданоқ оилада уни кутиб олишга ҳозирлик кўрилади. Ўғилми, қизми ота-она учун у азиз ва мўътабардир. Унга мос исм қўйиш, бешик тўйи, суннат тўйи, никоҳ тўйларини ўтказиш каби ширин орзулар қилинади. Ота-она қўшқанот бўлиб, ҳаёт пиллапояларидан фарзандларини қоқилтирмай олиб чиқишга, унга билим бериш, касб-ҳунар ўргатишга астойдил ҳаракат қиладилар.

Мустаҳкам оилада камол топган фарзандлар оила учун ҳам, жамият учун ҳам фойдали инсонлар бўлади.

Шуни ҳам айтиш керакки, кейинги вақтларда иқтисодий танглик баҳонасида баъзи оилаларда кўнгилсиз аҳвол юз бермоқда. Моддий бойлик маънавий бойликдан афзал саналиб, аввалари кам учраган, миллатимизга номуносиб ҳолатлар юз бермоқда. Шахснинг маънавий шаклланишига салбий таъсир этувчи субъектив омиллардан бири - оиладаги маънавий-тарбиявий заифлик натижасида ёшлар ичкиликбозлик, гиёҳвандлик каби ёмон иллатларга ружу қўйиб, одамгарчиликка иснод келтирмоқдалар.

Минг афсуслар бўлсинки, Шарқ аёлининг папирос чекиши, ичкилик ичиши, ахлоқий тубанликка мукка-сидан кетиши фожиадир. Улардан ногирон фарзандлар туғилишига, ҳаётда қийналиб, азоб-уқубатда яшашига ҳар қандай ота-она чидолмаса керак. Болаларни кўча-кўйда ташлаб кетиш, қарияларни эъзозлаш ўрнига қарияларни уйига элитиш, бизнинг халқимизга ёт-ку! Инсон деган номга иснод келтираётган кимсаларнинг жамият тараққиётига катта зиён ва зарба бераётганларини асло кечириб бўлмайди.

Бизнинг маҳаллада бой, бадавлат бир оила бор. Уч қаватли уй, қўша-қўша енгил машина, замонавий қилиб жиҳозланган дала ҳовли. Оила бошлиғи Ғанижон катта фирманинг бошлиғи, рафиқалари Назокатхон ҳамшира бўлиб ишлар эдилар, ҳозир бу касбни тарк этиб, чет элга қатнайдиган, савдо-сотиқ қиладиган бўлдилар. Оилада 2 ўғил, бир қиз вояга етиб қолган. Ота ойлаб болаларини кўрмайди. Эрта кетади, кеч келади. Она уйда йўқ.

-- Катта ўғиллари Ботиржон жиноятга қўл уриб, қамалиб қолибди,- деб эшитдик. Гулдек нозик 14 ёшли Назокатхон дугоналари билан кечқурунлари дискотекага бориб, папирос чекишни, гоҳида наша чекишни ҳам одат қилибди.

Мактабга хоҳласа боради, хоҳламаса йўқ. Мактаб раҳбарлари Ғанижон ишлайдиган фирмага бориб, қизининг хулқ-атворини, ўқишлари ёмонлигини айтишса, ота:

-- Эҳ, эринмаганларей, эзмаларей, шу ҳам гап бўлибдими, нима ёш вақтида ўйнаб-кулиб олсин, қуюлиб қолар. Ўқимаса ўқимас, мулла бўлган сизлар нимага эришдинглар. Давлат жарақ-жарақ пул бераяпти, болаларни яхши ўқитиб, тарбиялангларда, - деб дўқ урибди. Бу оиланинг фожиаси маҳалла аҳлини тинч қўймади. 3 марта уйига бордик, нафи бўлмади. Қиссадан ҳисса шуки, дарахт эккан билан уни вақтида парваришламаса, қуриб қолади. Ахир инсон боласи учун ҳам парвариш, эътибор, меҳр зарур.

Бугунги кунда умумтаълим тизимида шахснинг маънавий шаклланишига салбий таъсир ўтказувчи омиллардан бири боланинг имконияти, хоҳиши, қизиқишини ҳисобга олмай, уни фойдали ишларга жалб этмай, пул топишга йўналтиришнинг кучсизлиги шундаки, болаларда меҳнат қилиш, ундан мамнун бўлиш, моддий ва маънавий манфаатдорликни ҳис қилиш каби фазилатларнинг етишмаслигидадир.

Мустақил республикамиз қонунлари ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ва уларнинг фаолият кўрсатишларига ҳамма имкониятлар яратилган. Ҳуқуқий маданият-комилликка, яхшиликка етаклайди.

''Инсон маънавий камолотга интилиб яшаши лозим, кўнглида эътиқоди йўқ одам эса инсон номига номуносибдир'', - деган эди буюк бобомиз Хожа Аҳмад Яссавий.

Қумри АБДУЛЛАЕВА,
педагогика фанлари доктори

ИЖТИМОИЙ ҲАЁТ БЎСАҒАСИДА

ШАЖАРА

Артист Теша МЎМИНОВ ва артист Толиб МЎМИНОВ билан суҳбат

-- Теша ака, ўғлингиз Толибжон изингиздан бораётган эканлар. Сиз ўғлингиз билан ўзингизнинг истеъдодингизни солиштириб кўрганмисиз?

-- Истеъдодлиман ё истеъдодсизман деёлмайман. Лекин мен ўғлимнинг ёшида унга нисбатан анча олов, шаддод, тиришқоқ, ҳаракатчан эдим.

-- Кўринишингиздан жаҳлдорга ўхшайсиз?

-- Негадир ҳамма мени жаҳлдор деб ўйлайди. Ҳаётда ундай эмасман.

-- Орзу қилган образингизни ярата олдингизми?

-- Санъаткор аҳли орзу билан тирик. Ортга назар ташласам, худди ҳеч нарса қилмаганга ўхшайман.

-- Ёзувчилардан кимларнинг асарларини ўқийсиз?

-- Чингиз Айтматов, Ўткир Ҳошимов...

-- Бойиб кетсангиз, пулингизни биринчи навбатда нимага сарфлардингиз?

-- Ҳеч қачон бойимасам керак.

-- Ёлғон гапирганмисиз?

-- Баъзан ҳаётда киши ёлғон гапиришига ҳам тўғри келади.

-- Севган машғулотингиз?

-- Китоб ўқиш.

-- Спортнинг қайси турига қизиқасиз?

-- Футболга.

-- Саҳна усталари орасида сиз севган актёр?

-- Олим Хўжаев, Шукур Бурҳонов /Аллоҳ раҳмат қилсин/. Улар покиза инсон эдилар.

-- Руҳан тушкунликка тушган пайтингизда нимага таянасиз?

-- Ёлғиз Аллоҳга.

-- Ҳаётда нимадан қўрқасиз?

-- Мунофиқликдан, адолатсизликдан, алдамчиликдан.

ДАДАМГА ҲАВАС ҚИЛАМАН

-- Толибжон, отангиз актёр бўлганликлари учун сиз ҳам шу касбни танладингизми?

-- Умуман олганда, актёр бўлишимга дадам сабабчи бўлган. Уларга ҳавасим келади.

-- Саҳнада қийинчиликларга дуч келсангиз "бизнес"га ўтиб кетишингиз мумкинми?

-- Агарда моддий етишмовчилик бўлса, касбимни ташламаган ҳолда бизнесга ҳам қўл уриб кўрган бўлардим.

-- Амир Темур ролини ўйнашга журъат этган бўлармидингиз?

-- Бир нарса деёлмайман.

-- Қандай образлар яратишни хоҳлайсиз?

-- Ўзбек миллий қаҳрамонларидан Анвар, Отабек, ... яна Ғамлетни.

-- Ўртамиёна актёр бўлиб қолишдан чўчимайсизми?

-- Чўчийман.

-- Кинода ўйнашни хоҳлайсизми?

-- Жуда, жуда.

-- Энг яхши ролингиз қайси деб ҳисоблайсиз?

-- Ҳозирча "Муҳаббат султони"даги Мажнун образи.

-- Ижро қилишингиз учун /салбийми ё ижобийми/ қайси бири қулай?

-- Назаримда актёр ҳар иккаласини уддалай олиши керак.

-- Ёзувчилардан кимларнинг асарларини ўқийсиз?

-- Кўпроқ шеъриятга қизиққаним учун А.Орипов, Ю.Жумаев шеърларини ўқийман.

-- Газета- журналлардан-чи?

-- "Кино" журналини кузатиб бораман.

-- Мабодо бойиб кетсангиз, пулингизни биринчи навбатда нимага сарфлардингиз?

-- Нима камчилигим бўлса, ўшанга.

-- Ёлғон гапирганмисиз?

-- Менимча ҳамма ҳам ёлғон гапиради.

-- Севган машғулотингиз?

-- Стол тенниси.

-- Спортнинг қайси турига қизиқасиз?

-- Футбол, бокс.

-- Бировлар олдида уялиб қолган пайтингиз бўлганми?

-- Бўлган.

-- Кўшиқчилардан кимларни ёқтирасиз?

-- Шерали Жўраев, Аҳрор Усмонов...

-- Қайси актёрга тақлид қилишни хоҳлайсиз?

-- Тақлид эмасу, Ҳожиакбар Нурматовга ҳавас қиламан. Севган актёрларим Альпачино Брандо ва Дасган Хофман.

-- Руҳан тушкунликка тушган пайтингизда нимага таянасиз?

-- Зарур бўлган ишимни бажариш билан машғул бўламан. Яхши қўшиқ эшитаман.

Суҳбатдош
Матлуба ТЕМУР қизи

Бу турфа олам

ЙЎЛ ЧИДАМЛИ БЎЛАР ЭКАН

Финляндия йўл қурувчилари қайта ишланган пластмасса қолдиқларидан йўлларни асфалтлашда фойдалана бошлашди.

Қузатувлар натижасида аниқланишича, таркибида пластмасса бўлган асфалт иссиққа ҳам, совуққа ҳам оддий асфалтга нисбатан анча чидамли экан.

Шу кунга қадар мамлакатнинг Лаука шаҳри яқинидаги 40 километрли йўлга ана шундай асфалт тўшалди.

ТАБИАТ МУСАФФОЛИҒИ ЙЎЛИДА

Швейцария - Европанинг гултожи, деб бежиз айтилмаган. Дарҳақиқат, бу мамлакат ўзининг сўлим табиати билан бутун оламга довруқ таратган. Шу сабаб ҳам швейцарияликлар табиатга ғоят эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишади. Ҳукумат яқинда қабул қилган қарорга биноан, автомобилларнинг ёнилги сарфлаши йил сайин қисқариб бориши керак, 2001 йилга келиб енгил машиналарнинг ёнилги сарфлаши 100 километр масофага 7,6 литрга қадар пасайиши лозим. Айни пайтда Швейцария қўчаларида юрган енгил автомобиллар учун 100 километр масофага 8,95 литр ёнилги сарфланиши меъёр тарзида белгилаб қўйилган.

ҲАМ АСАБГА, ҲАМ ЧЎНТАККА ЗАРАР

Носоз йўл нафақат автомобилни ишдан чиқаради, балки, киши асабига ҳам ёмон таъсир қилади. Америкаликлар носоз йўллар туфайли бузилган машиналари учун йилига 4,77 миллиард доллар миқдорида маблағ сарфлар экан.

АҚШ йўл хизмати автотрассаларни таъмирлаш учун йилига 1,3 миллиард доллар сарфлайди. Бу кўрсаткич эса носоз йўл туфайли ишдан чиққан автомобиллар учун сарфланадиган маблағдан тўрт баравар оз. Американинг 38 штатида ўтказилган тадқиқотлар натижаларига қараганда, энг серқатнов йўлларнинг тўртдан бир қисми шошилинч таъмирга муҳтож.

ЎзА

ОДОБНОМА

(Давоми. Аввали ўтган сонларда)

ЎТТУЗ ИККИ ЁМОН ФЕЪЛЛАРНИ ЯХШИ ФЕЪЛЛАРГА АЙЛАНТУРМАК

Бу икки тариқа бирла муяссар бўлур. Бири олим ва фозил ва содиқлар ва муттақийлар бирлан ҳамсуҳбат бўлмак. Ва бу андоғ бўлур: ҳар вақтеки, хулқларини дуруст қилмакни хоҳласа, мазкурларга ўхшашлар бирла ҳамсуҳбат бўлғай ва фожир ва фосиқ ва ялғончи аҳлиларидин парҳез қилғай. Токи кам-кам аҳли салоҳ (яхши)ларнинг суҳбатлари таъсири ул одамда пайдо бўлуб, ямон хулқ ва ямон феъллари яхшилиғга муаддал бўлғай (алмашғай) ва ул аҳли салоҳларнинг одатлари анга малака бўлғай.

Ва ушбуга ўхшаш, исроф қилмак ва ношарларга сарф қилмак одатларини йўқ қилмакни хоҳласа ростгуй ва боинсоф савдогарлар бирла ҳамсуҳбат бўлғай, токи кам-кам сарф ва ҳаражатни алардан ўрганиб, миёна сарф қиладурғон бўлғай. Ёки ул ўттуз икки афъоли қабиҳаларни яхши феъларга айлантурмак ҳамиша яхши феъларни қилмак бирла булур ва ул андоғ булур: ҳар вақтоки яхши феъларни ҳосил қилмакни хоҳласа ўзини одат қилмакға таклиф қилғай кун бакун, соат басоат таранний қилғай ул яхши феъл кўнглига ёқиб қўймайдургон булғунча ва ани тарк қилмак душвор ва қийин кўрингунча, масалан бир киши коҳили намоз бўлгунича бўлса, ўзини машаққат бирла намоз ўқимоқға одат қилдурса, бир жойига еткайки, намоз ўқумак анга ширин кўруниб, тарк қилмак анга душвор кўрингай.

Уй эгаларига беш нимарса лозимдур. Аввал мол, иккинчи- жуфтланмак, учунчи-фарзанд, тўртунчи-бандалик, бешинчи-тадбир. Молнинг уч ҳолати бордур, касб қилмакда уч нимарсадан ўзини тортмак лозимдур. Бири жавз, иккинчиси ор, учинчиси даноат. Жавз деб кам ўлчаб бермакни ва ҳисобда алдаб ғалат ҳисоб қилмакни айтилур ва ростга мункир бўлмакни айтилур. Булар улуғ гуноҳдур. Ор деб бир одам масхара қилғонда ва сўкуш эшитгонда ва хорлик кўрганда номус қилиб, ҳамиййат қилмакни айтилур. Бул мақомда ор қиладурғон нимарсалардан ўзини эҳтиёт қилмакни айтилур. Даноат деб отасининг касбини ташлаб пастроқ касбни ихтиёр қилмакни айтилур.

Тирикчиликда одамлар бул тўрт ҳолга муҳтождурлар: Биринчи, молини кўб вақтларда фуруш бўладурғон нимарсага банд қилмагай. Иккинчи-тобган молини ўз аҳволига қараб сарф қилгайки, доим харажат қилиб турмакга қодир бўлғай. Учунчи, касбдан топган молидан камроқ сарф қилгай. Тўртунчи касбдан ҳосил бўлган нимарсадан зиёда сарф қилмағай.

Мирзааҳмад МИРАФЗАЛОВ таржимаси

Чилонзор туманидаги "Ташаббус--СН" хусусий фирмаси тугатилади. Барча даъволар бир ой давомида қабул қилинади.

Муассис: ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ

Бош муҳаррир Абдуқодир НИЁЗОВ

Навбатчи муҳаррир: Назокат УСМОНОВА

ТАҲРИРИЯТ:
Қабулхона — 136-56-58, 133-95-97;
хатлар бўлими — 136-54-64;
тижорат бўлими — 133-79-69; ижодкор ёшлар бўлими — 136-54-64; спорт, ҳарбий ватанпарварлик бўлими — 136-58-93, котибият — 136-58-48.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083 Тошкент Матбуотчилар кўчаси, 32—уй
Нашр кўрсаткичи 64607

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Дизайн устаси: С.ФАЙЗУЛЛАЕВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00012
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси
Буюртма Г. — 0894.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41
Ҳажми — 2 табоқ
Тираж: 11.024
Газета ЙВМ компьютерида терилди ва саҳифаланди.
Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2
Босишга топшириш вақти ——21.30
1 2 3 4 5 6